

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Турмуш куришда қизлар учун керакли маслаҳатлар.

Тошкент 2013 йил



Ёш кизлар оила қуриш учун кўйидагиларни билишлари керак:

- Неча ёшдан турмуш қуриши керак;
- Никоҳдан аввалги тиббий кўрик;
- Ҳомиладор бўлишнинг энг қулай даври;
- Туғруқ орасидаги интервал;
- Эрта турмуш қуришнинг оқибатлари;
- Қариндош – уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари.



Неча ёшдан турмуш қуриш керак?

- Республикаизда ёшларнинг турмуш қуриши учун «Оила кодекси»га асосан эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун 18 ёш белгиланган.
- Даилилларга асосланган тиббиёт хulosалари бўйича оила қуриш учун энг қулай давр қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш ва уларнинг ёшлари орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Аввало йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.



Никохдан аввалги тиббий кўрик

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиши Низоми тўғрисида»ги 365-сонли қарори асосида никохланувчи шахслар ФХДЁ бўлимига ариза берганларидан сўнг қуийдаги касалликларни аниқлаш учун текширувлардан ўтадилар:

1. Рухий касалликлар;
2. Гиёҳвандлик ;
3. Сил касаллиги ;
4. Жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар ;
5. ОИВ/ ОИТС касалликлари;



- Тиббий кўрикдан ўтгандан кейин никоҳ тузилишига тўсиқ бўлмаган такдирда, ФХДЁ идоралари томонидан никоҳни қайд этиш белгиланган тартибда амалга оширилади.





Тиббий кўрикдан
соғлом деб
топилгандан сўнг
, никоҳ қайд
этилиб, соғлом ва
бахтли оила барпо
этиш учун қадам
ташланади.

Ҳомиладор бўлишнинг энг қулай даври:

- Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври **20-30 ёш** оралиғи ҳисобланади. Ҳомиладорлик муддати тўққиз ой давом этади. Ҳомиладорлик даврида тиббий кузатув олиб борилади. Тиббий кузатувлар аёл ва бўлажак фарзандини ҳомиладорлик ва ундан кейинги даврда соғ-саломат бўлишларини таъминлайди.



- Киз болалар **18 ёшгача** ҳомиладор бўлиши мумкин эмас, чунки унинг танаси она бўлишга тайёр эмас.
- Агар аёл 18 ёшгача ҳомиладор бўлиб қолса, бу унинг ва ҳомиланинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



Туғрук орасидаги интервал:

Туғрук оралиғини сақлаш – бу туғрукдан кейин она саломатлигини тұла тиклаб олиши учун зарур бўлган муддатдир.

Туғруклар оралиғи камида 3 йил бўлиши керак.



Тұғрук оралиғининг қисқа бўлиши нималарга олиб келади?

- Онада камқонлик ривожланади;
- Касалликларга берилувчан бўлиб қолади;
- Навбатдаги ҳомиладорлик туфайли кўкрак билан эмизишни давом эттириб бўлмайди;
- Ҳомиланинг ривожланиши ва ўсиши учун зарур бўлган озиқ моддалар етарли даражада бўлмайди;
- Болани парвариш қилишга эътибор пасаяди.



Туғрук оралиғидаги муддатни сақлашнинг фойдаси:

- Аёл саломатлиги түлиқ тикланади;
- Кейинги ҳомиладорлик ва туғрук фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар камаяди;
- Болага эътибор бериш имконияти ортади ва соғлом ўсади;
- Оналар ва болалар ўлимни камаяди;
- Оиладаги иқтисодий ва руҳий муҳит яхшиланади.



Эрта турмуш куриш оқибатида
куйидаги муаммоларга дуч келадилар.

- Эрта турмуш куриш оқибатида қиз болалар үз мустақилликлари ва Эркинликларидан чекланадилар.
 - Эрта турмуш куриш оқибатида оиласа мавжуд бўладиган муаммолар ечимини тўғри ва мақсадли ҳал этишда қийналадилар.



- Эрта турмуш қуриш оқибатида дунёга келган фарзандларини парвариш қилишда ва тарбиялашда жуда күп қийинчиликтарга дуч келадилар. (чунки ёш ўсмир қиз ўзи тарбияга мухтож)
- Эрта турмуш қуриш оқибатида ўз тенгдошлари каби ҳаёт гүзәллигидан түлиқ баҳраманд бўла олмайдилар. (ўз истаклари ва орзу ҳавасларини рўёбга чиқаришда жуда күп қийинчиликтарга дуч келадилар).



Турмушга чиқаётганингизда албатта кимлиги билан қизиқинг, чунки қариндош – уруғ ўртасидаги никохдан ногирон фарзанд туғилиши мүмкін.



Қариндош – уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари.

Қариндош – уруғлар ўртасидаги никоҳлар сабабли улардан ирсий касалликка чалинган фарзандлар туғилади.


Носоғлом фарзанд туғилиш хавфи қариндош – уруғлар қанчалик яқин бўлса, шунчалик юқори бўлади.




Фарзандларингиз
келажагини ўйлаб
уларнинг соғу – саломат,
баркамол бўлиб вояга
етишини истасангиз
қариндош – уруғлар
ўртасидаги никоҳлардан
воз кечинг!



Кизлар вақтни бой
бермасдан сизлар учун
яратилаётган
имкониятлардан
фойдаланиб қолинг.



Үсмир қизлар учун имконияттар.



Үқиши
ва
касб
хунар
әгаллаш



Саёҳат

Карьера



Эътиборингиз
учун раҳмат!!!



July

бонжам
м